

Nigora J. YUSUPOVA,
*Doctor of Jurisprudence,
Docent of the Department of
ISESCO and Islamic Studies of the
International Islamic Academy of Uzbekistan.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: nigora.jaloliddin.qizi@mail.ru*

XII АСРДА МОВАРОУННАҲРДА ЯРАТИЛГАН ФИҚХИЙ АСАРЛАРДАГИ ОИЛАВИЙ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ СЕМЕЙНЫХ ВОПРОСОВ В ХАНАФИТСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ НАПИСАНЫХ В XII ВЕКЕ В МОВАРОУННАҲРЕ

ANALYSIS OF FAMILY MATTERS IN THE HANAFI MASTERPIECES WRITTEN IN THE 12TH CENTURY IN MAWARANNAHR

КИРИШ

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқининг пойдевори – миллий давлатчилик таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам бўлиб, кўп йиллик тарихга эга.

Кўхна тарихга эга минтақамизнинг бой маданияти асрлар давомида илму-фан дарғалари бўлмиш аждодларимиз ижоди билан такомиллашди, бойиди ва тараққиётнинг юксак поғоналарига кўтарилиб, нафақат бизга, балки бутун башарият учун бебаҳо мерос бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов бу хақда қўйидаги фикрни билдирган эди: “Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан қанча авлодларнинг маънавий рухий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда” (I. Karimov, 1996:40–41).

Дарҳақиқат, ҳақли таъқидланганидек, “Ер юзида мусулмончилик пайдо бўлганидан бўён асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида юзлаб олимум уламолар ислом ҳуқуқшунослиги билан машғул бўлиб келганлар”. Булар ўз буюк асрлари ва ҳуқуқий назариялари билан, ислом

хукуки соҳаларини кенгайтириб берган ва фикҳ илмининг ҳар томонлама ривож топишига улкан ҳисса қўшган моворауннаҳрлик фақиҳлар эди.

Ўзбекистон фақиҳлари мужтаҳидлар давридан сўнг нафақат таҳрийж ва таржийҳ даврларида, балки тақлид даврида ҳам ислом ҳуқуқшунослигини такомиллаштириш йўлида фахрланишга арзигулик илмий муваффақиятларга эришиб, қалом ва ҳуқуқ соҳаларида янги фан ва мактабларга асос солиш билан бирга, янги ҳуқуқий назариялар яратганлар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, XII асрда Марказий Осиё, жумладан, Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг ривожи ва такомили учун таъсирчан омиллар юзага кела бошлади. Ушбу омиллардан бири, А. Мўминов таҳлилига кўра, бу даврда қорахонийлар давлати қарор топиши натижасида “Мовароуннаҳрнинг Хурросон билан алоқалари заифлашиб, оёққа турган маҳаллий мактабларнинг мустақил ривожланишига асос яратилди. Марказий шаҳарларда автоном бошқарувнинг кучайиши уламо гурухлари таъсир доирасининг кенгайишига олиб келди. Бу билан фикҳ нормаларини ҳаётга татбиқ этишга реал шароит яратилди. Бухоро ва Самарқандни ҳақиқий илм марказларига айлантирилар. Бу шаҳарларда, Насаф, Марв, Фарғона фақиҳлари ҳам фаолият кўрсатдилар”. (A. Mo‘minov, 1999:42.)

Турк тадқиқотчилари хулосаларига кўра, мазкур даврда 300 га яқин фақиҳ мавжуд бўлиб, 150 дан кўпроқ фиқҳий (ҳуқуқий) асарлар, 20 та фатово (фатволар мажмуалари) ёзилиб, уларнинг асосий қисми 98% ҳанафий мазҳабига тегишли бўлган.

Бу даврда яратилган бебаҳо асарларда янги катта ҳажмдаги маълумотларни ҳанафий фиқҳининг анъанавий қобиғига киритиш З йўл билан амалга оширилди:

- 1) Мухаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг “Зоҳирар-ривоя” даражасидаги асарларга шарҳлар ёзилди;
 - 2) Фиқҳ фани доирасида янги мустақил китоблар тузилди;
 - 3) Аввалги давр ва замондош фақиҳларнинг фатволари тўпламларга йиғилди.
- Бу соҳадаги ишларни умумлаштирувчи дарслик бўлиб Марғононийнинг “Китоб ал-Ҳидоя фи шарҳ ал-Бидоя” асари пайдо бўлди (A. Mo‘minov, 1999:42).

Аннотация: Уибү мақола Моварауннахрда XII асрда яшаб ижод этгандын ҳанафий мазҳабининг беназир фақиҳлари Бурхониддин Марғиноний, Ифтихоруддин Тохир ал-Бухорий, Алоуддин Самарқандий, Алоуддин ал-Косоний каби ийрик алломаларнинг илмий фаолиятини таҳлил қилишига бағишланган. Мақолада мазкур алломаларнинг бугунги даврда ҳам аҳамияттанини ўйқотмаган машҳур асарларининг түзилиши, услуги, ундағы боблар ва мавзулари ҳам илмий таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада улар асарларининг фикъ илмида тутган ўрни ҳақида алоҳида тұхталиб Маворауннахр алломаларининг оиласының мұносабатлардагы қарашларыда ўз ифодасыны топтан умуминсоний қадриялар ва инсонпарварлық гөялары, Шарққа хос ахлоқий тарбия тамойиллари ҳақида бевосита фикъий манбаларни таҳлил қылған ҳолда хуласалар берилген. Бундан ташкари мақолада оила аъзолар онғига миллий гоя, оиласының қадриялар, ватанпарварлық сингдиришида минтақада азалдан анъана сифатида қаралған мұқаддас манбаларда мұстаҳкамланған ислом таълимотидаги оиласының мұносабатларнинг мөхияти, никоҳ риширасининг мұқаддаслығы, оила аъзолари ўртасындағы ўзаро шахсий ва мұлкий ҳуқуқ ғана жағдайлар, она ва фарзанд мұносабатлары, қариндошчылық алоқаларыга оид бурч, масъулият каби тамойилларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий асослары алоҳида ургенде лозимлігі ҳам таҳлил этилған.

Калит сұздар: фикъ, фақиҳ, фатво, манба, қозы, ҳукм чиқарушы, шарх, Қуръон, ҳадис.

Аннотация: Статья посвящена изучению научной деятельности великих ханафитских фақихов XII века в Мавераннахре, таких как Бурханиддин Марғинани, Ифтихоруддин Тохир ал-Бухари, Алоуддин Самаркандини, Алоуддин ал-Косони. В статье проанализированы структура, методы, главы и темы известных произведений этих ученых, которые значимы на сегодняшний день. В статье также говорится о роли их произведений в исламском праве, рассматриваются общечеловеческие ценности и идеи человеческого блага, особенности восточного нравственного воспитания изложенные в воззрениях учёных Мавераннахра касающихся семейных взаимоотношений. Так же, в статье особо подчеркивается и анализируется значимость и роль семейных правил в исламе, её своеобразные свойства, особенности принципов взаимных личных и имущественных прав и обязанностей членов семьи, социально-экономические, культурно-просветительские основы которые очень эффективны при воспитании членов семьи в духе национальной идеи, ценностей и патриотизма.

Ключевые слова: Исламское право, исламский правовед, фетва, источник, кади, вынесение решения, толкование, Коран, ҳадисы.

Abstract: The article is devoted to studying the scientific activities of the great Hanafi fuqaha of the 12th century in Mawarannahr, such as Burhanuddin Marginani, Iftikharuddin Tahir al-Bukhari, Alauddin Samarkandi, and Alauddin al-Kasani. The article analyzes the structure, methods, chapters, and themes of the famous works of these scholars, which are significant for today. The paper also talks about the role of their books in Islamic law. It examines the universal values and ideas of philanthropy, especially the oriental moral education set out in the views of the scholars of Mawarannahr relating to family relationships. In addition, the article emphasizes and analyzes the importance and role of family rules in Islam, its peculiar properties, socio-economic, cultural, and educational bases that are very effective in educating family members in the spirit of a national idea, values, and patriotism.

Keywords: Islamic jurisprudence, Islamic jurist, fatwa, source, qadi, adjudication, commentary, Qur'an and hadiths.

Бурхониддин Марғинонийнинг қимматли ҳуқуқий асари “Ал-Ҳидоя” ихчамлиги, мұкаммал-лиги, ҳанафий мазҳабини бoshқа суннитлик мазҳаблари билан қиёсий услубда ўрганиб, ҳар томонлама ёритғанлиги учун ўзига хос катта назарий ва амалий аҳамият қасб этади.

Бурхониддин Марғиноний ҳанафий мазҳабининг кенг доирасыда сон-саноқсиз ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш йўлларини топишга муваффак бўлди. У тўғридан-тўғри мустақил суръатда ижтиҳод қилиш ваколатига эга бўлмаса ҳам, ўз илмий-ҳуқуқий асарларини яратишда қиёсдан (қиёси жалийдан), айниқса қиёснинг

иккинчи тури бўлмиш “қиёси хафий” ёки “истиҳсон”дан, кенг кўламда фойдаланди (J. Toshkulov, N. Yusupova, I. Bekmirzayev, O. Sarsenboev, S. Masaидов, 2014:90). Шунинг учун айрим олимлар Марғинонийни “ал-Мужтаҳид фил-мазҳаб”, яъни мазҳаб бўйича Мужтаҳид деб билганлар (N. Yusupova, Sh. Juzjoniy, 2007:17).

Марғиноний фикрича, билим уч манбадан ҳосил бўлади. Биринчиси, насс бўлиб, у шаръий ҳукм манбай бўлмиш Қуръон оятлари ва Пайғамбар соллаллоҳу алайхи васаллам ҳадиси шарифлариидир. Иккинчиси, ақл ва тафаккур, учинчиси, ҳис-туйғу (сезги) органларида ҳосил бўладиган

маълумотлар бадиий, яни ҳеч қандай далолатсиз қабул қилинувчи ҳисобланади.

Аллома “Ҳидоя”да фикҳий масалаларни ёритишда қиёсий услугдан фойдаланиб, турли мазҳаблардаги назарияларни бир-бири билан солиширади. Аввал, Қуръон, сўнгра Суннага асосланади, ундан кейин ижмоъ ва қиёсга ўтади. Қиёс муаммони ҳал этишда ёрдам бермаса, истехсон (киёси ҳафий)га ўтади. Ечими топилмаган ҳолатда урфу одатга таяниб хulosса чиқаради. Бурхониддин Марғинонийнинг масалаларни ечишда ақлий манба сифатида қиёсга эътибор қаратиши ҳамда истехсон ва урфга таяниши хукукий муаммоларни ҳал этишда кенг имконият очиб беради. У ибодатлардан ташқари инсонларнинг амалий ҳаётига тегишли бўлган хукукий масалаларни, бошқа далиллар билан бирга, ушбу мезонлар билан ҳам баҳолайди. Мантиқий таҳлилдан ўтказади. У истикро (дедукция) ва илмий таҳлил (анализ) дан кенг фойдаланади. Ҳар бир масалани турли мазҳаблар орасида қиёсий услугда ўрганиб, хulosса чиқаради ва энг маъқул деб топган фикрини таҳлил охираша зикр этиб, уни устун қўяди. Шу сабабли “Ал-Ҳидоя” Ислом хуқуқининг фалсафий таҳлили деб аталса ҳам ўринли бўлади (N. Yusupova, A. Juzjoniy, 2007:18).

“Ал-Ҳидоя” Марғинонийнинг шоҳ асари бўлиб, Бурхониддин Марғинонийнинг замондошлари машҳур факихлар ҳам буни эътироф этишган. Бу ҳақда аллома ал-Хаддод: “Ҳидоя ҳам Қуръон сингари ўзидан илгариги шариат бўйича ёзилган китобларни эътибордан қолдириди” (M. Laknaviy, 1906:3), деган.

“Ҳидоя” асари узок 13 йил давомида ёзиб битказилди. Бунинг сабаби биринчидан, “Бидоятил-Мубтадий”га Имом Муҳаммад аш-Шайбонийнинг “Ал-жомиъ ас-Сағир” ва ал-Кудурийнинг “Мухтасар” асарлари асос қилиб олинган бўлиб, “Бидоятул-мубтадий”га киритилган асосий хукукий масалаларга оид минглаб фаръий (жузый) масалалар мавжуд эди. Улар орасида халқнинг амалий ҳаётига боғлиқ, ўз ечимини топмаган кўплаб муаммолар бор эди. Шу нуқтаи назардан ўша даврнинг ўзгарувчан шароитини синчиклаб ўрганиш, биринчи даражали муаммоларни иккинчи даражали муаммолардан ажратиб олиб, уларни ечиш ўйларини белгилаб бериш муаллифдан катта дикқат-эътибор, ҳар томонлама текшириш ва чуқур кузатишларни талаб қиласади.

Иккинчидан, Бурхониддин Марғиноний фикҳ илми босиб ўтган олти даврнинг (Пайғамбар, саҳобалар, тобеинлар, мужтаҳидлар, мухаррижлар ва муқаллид (таклид этувчи)лар даврлари) бешинчи босқичи бўлмиш мухаррижлар (улардан илгари ўтган мужтаҳидлар ва буюк хуқуқшунос олимлар асарларига мурожаат қилиш орқали мазҳаб доирасида янги топилган мураккаб хукукий муаммоларни ечиш ўйларини топувчилар) даврида яшагани учун тўғридан-тўғри эркин ижтиҳод қилиш ваколатига эга эмас эди. Чунки IV хижрий аср бошларида (милодий X асрда) ҳеч ким ислом хуқуқи бўйича мустақил ижтиҳод қилиш ваколатига эга эмас, деган фикр бор эди. Хуқуқшунослик бўйича барча фаолият, буюк олимлар томонидан белгилаб берилган асосий қонун-коидаларни изоҳлаш, тафсир этиш соҳасида бўлиши керак, деган назар мавжуд эди (M. Xadduriy, 1958:105). Лекин Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий ўзининг машҳур асари “Ал-Фавоид ал-баҳия”да ҳанафий мазҳаби олимларини олти гуруҳга бўлиб, Бурхониддин Марғиноний ва ал-Кудурийни “асҳабут-таржий”, яни баъзи ривоятларни баъзиларига таржийх бериш (устун қўйиш) салоҳиятига эга олимлар каторида зикр этган.

Мазкур шароитда Бурхониддин Марғиноний олдида турли муаллифлар томонидан ёзилган қўп фатоволар (хукукий мажмуалар) бор эди. Уларда минглаб масалалар, айrim муайян муаммолар бўйича ўнлаб мулоҳазалар, ҳатто бир-бирига қарама-қарши назариялар мавжуд эди. Муаллиф назарда тутган хукукий масалани ёритиш учун, биринчидан, шариатнинг асосий манбалари, ундан кейин Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг асарлари, аш-Шайбонийнинг “Зоҳирур-ривоя” китоби, Абу Юсуфнинг “Китобул-хирож”, “Адабул-қозий”, “Абу Ҳанифа ва Ибн Абилайло орасидаги ихтилофлар”, “Авзоъий ва Анас ибн Моликнинг айrim хукукий масалалар бўйича билдирилган фикрларига ёзилган раддия” китоблари, Имом Зуфар асарлари, шунингдек, ислом хуқуқи турли соҳаларига оид сон-саноқсиз китоб ва тўпламларни ўқиб чикиб, уларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни бир-бири билан солишириб, асосли хulosалар чиқариш керак эди (N. Yusupova, A. Juzjoniy, 2007:22).

Албатта, энг ҳаётий ва зарур ривоятларни танлаб олиб, уларнинг тўғрилигини нақлий далиллар билан исботлаб, ақлий далиллар билан

мустаҳкамлаш, мумтоз асарларнинг матн ва мазмунига чуқур кириб бориб, уларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш катта меҳнат ва изчил ишлашни талаб қиласади.

“Хидоя”нинг яна бир хусусияти шундан иборатки, унда “Илмул хилоф” (Қиёсий ҳуқуқ-шунослиқ) орқали белгилаб берилган қоидалар кенг кўламда назарда тутилади. Чунки Бурхониддин Марғиноний ушбу фан соҳасида ҳам етук олим ва мутахассис ҳисобланган. Бурхониддин Марғиноний “Хидоя”да ҳуқуқий муаммоларни ечиш жараённида фақат учта асосий мазҳаб (ҳанафий, моликий, шофеъий мазҳаблари) гагина эмас, балки зоҳирий ва авзоъий мазҳабларига доир фикру мулоҳазаларни ҳам ўрни келганда келтириб ўтади, ҳар бири ҳақида ўз нуқтаи назарини билдиради. Ушбу нуқтаи назардан “Хидоя” “Илмул хилоф”ни кенг кўламда ўрганиш учун ҳам мухим ва эътиборли маънба ҳисобланади. Ҳанбалий мазҳабига тегишли масалани “Хидоя” ва бошқа йирик фақихлар ёзган асарларга киритилмаганлигининг сабаби шундаки, аҳли сунна фақихлари, ҳатто XII асргача, ҳанбалийларни фақихлар сифатида эмас, балки мухаддислар сифатида тан олиб келганлар.

НАТИЖА

Шундай килиб, Бурхониддин Марғиноний ёзган тўрт жилдлик “ал-Хидоя” китоби суннийлик йўналишида ҳанафий мазҳаби бўйича мухим ва муқаммал ҳуқуқий асар сифатида 55 дан ортиқ китоб, юзлаб бобу фаслдан таркиб топган бўлиб, мерос ҳуқуқидан ташқари, ислом ҳуқуқининг барча соҳаларини қамраб олади. Бурхониддин Марғиноний мерос ҳуқуқини ўз китобига киритмаганининг сабаби шундаки, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа мерос муаммоларини маҳсус фан сифатида фикҳ илмидан ажратиб, уни “ал-Фароиз” деб атаган.

“Хидоя”нинг биринчи жилди таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га, иккинчи жилди оила ҳуқуқи, кул сақлаш муаммолари, худуд жазолари (Аллоҳ томонидан белгиланган жазолар), ҳалқаро ҳуқуқ меъёрлари, ширкатчилик, ислом ҳуқуқига хос бўлган вакф ҳукуки каби масалаларга, учинчи жилди муомалот турлари (фуқаролик ҳукуки) суд, суд жараёни, тўртинчи жилди эса дехқончилик ва ер муаммолари, жиноят турлари, гувоҳлик ва бошқа кўплаб мавзуларга бағишланган.

XII асрлар ҳанафийлик мазҳабидаги энг кўп фикҳий асарлар ёзган ва ўша даврдаги фатволари билан машхур бўлган яна бир беназир аллома Ифтихоруддин Тоҳир ибн Аҳмад Бухорийдир (A. Qurashiy, 1993:188; M. Laknaviy, 1998:146). Ифтихоруддин Тоҳир ибн Аҳмад Бухорий томонидан ёзилган фатво асарлари Мовароуннахрда ёзилган ҳанафий мазҳабидаги энг мўътабар манбалардан ҳисобланади. Ифтихоруддин Тоҳир ибн Аҳмад Бухорий гарчи умри давомида Бухоро, Марғилон ва Сарахсда яшаган бўлса-да, унинг асарлари кўплаб мусулмон мамлакатларида тан олинган. Шунингдек, аллома ёзган асарлар минтақага хос бўлган маҳаллий шарт-шароит ва урф-одатлардан келиб чикиб яратилгани билан ҳам ажralib туради.

Манбалар алломанинг учта асари ҳақида маълумот беради. Улар: “Китоб ан-нисоб”, “Хизанат ал-воқеъот” ва “Хулосат ал-фатово” асарларидир. Исмоил Поша Бағдодий алломанинг “Хизанат ал-фатово” асари ҳам борлигини айтиб ўтган (I. Bag‘dodiy, 1951:430).

Ҳожи Халифа ҳам ўзининг “Кашф аз-зунун” асарида: “Хизанат ал-фатово” асари Ифтихоруддин Тоҳир ибн Аҳмад ал-Бухорий ас-Сарахсий ал-ҳанафий қаламига мансуб асардир. У “Хулоса” соҳибиdir. “Хизанат ал-фатово” мўътабар китоб бўлиб, жуда кам нусхада қолган” (M. Rumiy, 1992:204), дейди.

Ифтихоруддин Тоҳир ал-Бухорийнинг ўзи “Хизанат ал-фатово” асари ҳақида ҳеч нарса айтмаган. Аллома “Китоб ан-нисоб”, “Хизанат ал-воқеъот” ва “Хулосат ал-фатово” асарини зикр қилган холос (I. al-Buxoriy, 1667:7). Шунинг учун алломанинг “Хизанат ал-фатово” асари борлиги муаммолигича қолмоқда.

Ифтихоруддин Тоҳир ал-Бухорийнинг “Хулосат ал-фатово” асари “Китоб ан-нисоб” ва “Хизанат ал-воқеъот” китобларининг мухтасар шаклдаги нусхаси ҳисобланади.

Аллома асарни ёзишда ўзига хос услубдан фойдаланган. Асарни китобларга, китобларни фаслларга ва ҳеч бир асарда кузатилмаган жинс иборасини ишлатиб, фаслларни жинсларга, жинсларни эса навларга бўлган. Ҳар бир китоб муқаддимасида китобда қандай масалалар ёритилгани, нечта фаслдан иборатлиги, кайси фаслда қайси мавзулар кўтарилигани, фасллардаги жинсларда қайси масалалар ёритилгани ҳақида батафсил баён этилган.

Китобнинг боблари ёзилиш тартиби умумий ҳанафий фиқҳ китобларидан фарқли тарзда тартибланган. Улар куйидагича тартибда: “Таҳорат китоби” билан бошланиб, “Шуфъа (Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи) китоби” билан якунланган.

Умумий ҳанафий фиқҳ китоблари тартиби эса аксар ҳолатларда “Таҳорат китоби”дан бошланиб, “Фароиз китоби”да якун топади.

“Хулосат ал-фатово” асарида Ироқ, Балх, Бухоро, Самарқанд, Марғилон, Сарахс уламоларининг ва бошқа бир қанча шаҳарлар факихларининг минтақага хос бўлган маҳаллий шарт-шароитларини, урф-одатларини эътиборга олган ҳолда айтган сўzlари, чиқарган ҳукмлари, берган фатволарини ҳам келтириб ўтилади.

Ифтихоруддин Тоҳир Бухорийнинг “Хулосат ал-фатово” асари ислом ҳуқуқшунослиги тарихида муҳим манба ҳисобланиб, унинг ҳанафий таълимоти илмий, назарий ва амалий ривожида тутган ўрни нафақат Марказий Осиё, балки бутун мусулмон олами ҳуқуқшунослигидаги катта ютуқлардан бири эканлигидан дарак беради. Негаки, ушбу асар кейинги даврларда яратилган ҳанафий мазҳабидаги фиқхий асарлар учун манба вазифасини ўтаган.

Алломанинг бу асари “фатво” бобида ёзилган энг йирик ва ишончли манбалардан биридир. Асар аллома яшаган даврдан то ўтган асрнинг биринчи чорагигача факихларининг, қозиларининг, муфтийларининг амалий фаолиятида муҳим манба сифатида қўлланилган. Ўша давр кутубхоналарида албатта бу асар нусхалари доимо бўлган ва ҳуқуқка оид жуда кўп масалаларга қизиқувчилар ушбу асардан жавоб топгандар. Факихлар бирор масала ҳукмида мунозарага борган пайтларида “Хулоса”да жавоби шундай экан дейилса, бирор факих унга раддия билдирамасдан бир овоздан ўша ҳукмни қабул қиласан. Шу боис ушбу асар ҳозирги кунда ҳам ислом ҳуқуки йўналишида изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларни ўзига жалб этмоқда.

Муаллифнинг “Хулосат ал-фатово” асари бизгача етиб келган бўлиб, ҳозирги кунда мусулмон мамлакатлари кутубхоналарида ва юртимиз кутубхоналарида турли асрларга тегишли қадимий нусхалари сакланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Кўлёзмалар фондида Инв. № Р: 8868, 6505, 8427 ва жами асарнинг ўн саккизта арабча кўлёзма нусхаси мавжуд. Уларнинг айримлари

бир жилдли, айримлари эса икки жилдан иборат бўлиб, иккала жилд ҳам битта китобда жамланган.

Ифтихоруддин Тоҳир Бухорий мазҳаб сохибларидан ҳеч қандай бир нассиз масалаларни истинбот қиласиган мужтаҳид уламоларнинг учинчи табақасидан ҳисобланади. Ҳанафий мазҳаби мужтаҳидлари номи зикр килинганда шундай дейилади: “ал-Хассоғ, ат-Таҳовий, ал-Кархий, Шамс ал-аймма ал-Ҳалвоний, Шамс ал-аймма ас-Сарахсий, Фахрул-ислом Паздавий, Бурҳониддин Махмуд ибн ас-Содр соҳиб “аз-Захира” вал “Муҳит” ва Шайх Тоҳир ибн Аҳмад соҳибу “Хулосат ал-фатово”, Фахриддин Қозиҳон, Ибн Хумом ва бу каби факихларга усул масаласида бўлсин ва фуруъ масаласида бўлсин, бошқа олимлар хилоф чикишга қодир эмаслар. Лекин улар у ҳақда насс келмаган масалалар борасидаги ҳукмларни усул ва коидаларига таяниб чиқара оладиган олимлардир” (M. al-Mujaddidiy, 1987:568).

Ифтихоруддин Тоҳир Бухорий илмий даражасига ўз фикрини айтган факих Ибн Обидин шундай дейди: “Хулоса”нинг муаллифи ишонилиши лозим бўлган олимларнинг энг улуғларидандир. Шунинг учун унинг айтган сўзига, келтирган нақлига амал қилиб эргашишлик вожиб бўлади. Уламоларнинг Ифтихоруддин Тоҳир Бухорийга бўлган ишончи шу даражада кучайдики, фиқхий масалаларда унинг сўзларига амал қиласиган бўлишди” (S. ad-Dimashqiy, 1966:38).

Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг бошқа йирик алломалари Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (ваф. 1145) ҳамда Алоуддин ал-Косоний (ваф. 1191)лардур.

Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий фиқҳ илмини Абул-Майн Макхулий ва Садрул-ислом Абул-Юср Паздавийдан ўрганиб, ўз даврининг буюк алломаси сифатида тан олинган ва ҳанафий ҳуқуқшунослиги тараққиётига муҳим ҳисса кўшиб келган. У ёзган “Тұхфатул-фуқаҳо” номли китоб Ҳанафий фиқҳи бўйича катта эътиборга эга бўлиб, унинг устидан кўплаб шарҳлар ёзилган. Алоуддин Самарқандий фиқҳ илмидан ташқари, қалом илми бўйича ҳам ҳанафий мазҳабининг йирик вакилларидан бири сифатида Имом Абу Мансур Мотуридийнинг издоши ва таълимотининг тарқатувчиси бўлган.

Манбаларда ёзилишича, Фотима исмли қизи бўлиб, у фатво бериш ваколатига эга олима, фиқҳ

МУҲОКАМА

соҳасида отаси билан ҳамкорлик қилиб келган (N. Yusupova, 2011:28).

Алоуддин ас-Самарқандий ва унинг қизи Фотима бинт Муҳаммад яшаган давр XI асрнинг 2-ярми ва XII асрнинг 1-ярмига тўғри келади. Бу даврда Мовароуннахрда турли мазҳаблар вакиллари, хусусан, ҳанафий ва шофеъийлар ўртасида зиддиятлар кучайиб кетган эди.

Алоуддин ас-Самарқандий ва Фотима бинт Муҳаммад ҳақида бизгача етиб келган дастлабки маълумотлар асосан ас-Самарқандийнинг шогирдлари – Алоуддин ал-Косонийнинг “Бадоъе” асари муқаддимасида ва ас-Самъоний (ваф. 1167)нинг “Китоб ал-ансоб” асарида учрайди. Яна ҳанафийлик мазҳабига оид табақот китобларида ҳам маълумотлар кисқа тартибда берилган Масалан: Ибн Кутлубуғо, Тошкўпризода, Кафавий, Ҳожи Халифа, Лакнавий.

Фотима бинт Муҳаммад ас-Самарқандий (ваф. 1191 й.дан олдин)га отаси ёшлик чоғларидан қироат, араб нахви, фиқҳдан дарс берган. У отасидан фиқҳ илмини ўрганиб буюк фақиҳолима даражасига етишади. “Бу аёл фиқҳ илмида шундай маҳорат касб этдики, дейилади манбаларда, отасининг чиқарган фатволарида унинг ҳам муҳр ва имзоси кўйиладиган бўлди” (А. Кураший, 1913:278–279, А. Тошкўпризода, 1905:136–137, М. Лакнавий, 1906:158). У отасининг машҳур “Тухфатул фуқаҳо” асарини ёддан билган. Лекин минг афсусларки, бизгача етиб келган маълумотларга кўра унинг бирон бир асари борлиги маълум эмас.

Фотима бинт Муҳаммаднинг умр йўлдоши корахонийлар даврининг энг буюк фақиҳларидан бири, “Сайхун (Сирдарё)нинг шимоли – Фарғонада, аш-Шошнинг орқасида жойлашган Косон” номли йирик шаҳарга нисбат берилган Ал-Косоний – Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмаддир (M. Leknaviy, 1906:53, A. Qurashiy, 1913:244).

Алоуддин Муҳаммаднинг шогирди ва күёви, Корахонийлар даврининг буюк фақиҳи имом Абу Бакр ибн Масъуд ал-Косоний ўз устозининг “Тухфатул-фуқаҳо” (фақиҳлар тухфаси) номли китоби устидан “Бадоиъус-саноиъ, фи тартибиш-шароиъ” номли уч жилдлик шарҳ ёзган (M. Rumiy, 1965:294).

Ал-Косонийнинг ушбу машҳур асари 1327–1328 й. Қоҳирада VII жилд ҳолида чоп этилган. Нафақат ислом оламида, балки ғарб олимлари орасида ҳам жуда машҳур бўлган бу фиқҳий асар ҳозирда ҳам ўз кийматини йўқотмаган.

Таҳлилларимиздан кўриниб турибдики, ҳанафий мазҳаби Мовароуннахр худудида кенг тарқалган бўлиб, мазҳабнинг жуда кўп йирик ва салоҳиятли вакиллари ва имомлари, ҳам эътиқод соҳасида, ҳам хуқуқ соҳасида камолот даражасига етишганлар. Улар ҳанафий мазҳабининг хуқуқий, ақидавий асосларини ташкил этувчи Абу Ҳанифа асарлари ва унинг иқтидорли шогирдлари Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, Абу Юсуф қаламига мансуб “Зоҳирур-ривоя” китоблари, “Китобул-хирож” каби фиқҳий асарларга асосланган ҳолда, ниҳоят муҳим хуқуқий асарлар яратиб, мазҳабнинг ривожи ва гуллаб-яшнашига муносиб хисса қўшиб келганлар. Масалан, Мовароуннахрнинг буюк фақиҳларидан саккиз нафари “ал-Мабсут” номи билан фиқҳ илми соҳасида илмий асарлар ёзган. Улардан Фахрул-ислом Ал-Паздавий “Мабсут” и 11 жилдлик, шайхул-ислом Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Бухорий ал-Ҳанафий “Мабсuti” ва Шамсул-аймма ас-Сараҳсий “Мабсuti” 15 жилдлик бўлган. Ушбу асарлар ислом хуқуқининг барча соҳалари жумладан, оила ва никоҳ, жиноят, мулкий муносабатлар, ҳалқаро хуқуқ каби кўплаб масалаларни камраб олган бебаҳо мерос ҳисобланади.

Жамиятимиз таракқиётининг ҳозирги босқичида ўзбек ҳалқи маънавиятини, жумладан диний саводхонлигини соғломлаштириш жараёнида ислом хуқуқининг юқорида санаб ўтилган соҳаларини айниқса, оиласи муносабатларга оид қоидаларини илмий таҳлил қилиш ижтимоий заруриятга айланмоқда. Чунки, исломда оиласи муносабатларга оид нормаларнинг ижтимоий моҳиятини тадқик этиш ва ҳозирги кунда илдиз отиб бораётган фундаменталистик оқимларнинг оиласи муносабатлардаги қарашларининг мутлақо нотўғри эканини ҳамда унинг ижтимоий салбий оқибатларини илмий таҳлил қилиш амалий жиҳатдан ўта муҳимдир.

Қуръон оятлари ва ҳадисларда белгилаб берилган, шунингдек, юқорида таҳлил этган фақиҳларимиз асарларида баён қилинган оиласи муносабатларга оид адолат, бурч, мажбурият каби тушунчалар, эр-хотин, ота-она ва болалар ҳамда қариндошлар ўртасидаги муносабатлар, умуминсоний ахлоқ қадрияларидан келиб чиқсан асосий талаблар тоталитар тузум хукмронлик қилган давларда бузиб талқин қилинган.

Шу боис, ислом ҳукуки қоидаларида оиласи муносабатларнинг умумижтимоий жиҳатлари, ижтимоий-тарихий негизларини, унинг маданий-маънавий, ҳукуқий хусусиятларини, исломнинг асосий манбалари, классик фикҳий китоблар, жумладан юртимииздан етишиб чиқкан алломалардан милодий XII асрда ёзилган Фахруддин Қозихоннинг “Фатавои Қозихон”, Бурхониддин Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя”, Алоуддин ас-Самарқандийнинг “Туҳфат ул-Фуқаҳо”, Ифтихоруддин Тоҳур ал-Бухорийнинг “хуросат ул-Фатаво”, Абул Қосим ас-Самарқандийнинг “Ал-Фиҳқ ан-Нағиъ”, Алоуддин Косонийнинг “Бадоеъ ус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ” каби асарлари асосида илмий тадқиқ этиш, одат ҳукуки билан қиёсий ўрганиш диний-сиёсий ғоявий курашлар кетаётган ҳозирги кун учун ўта аҳамиятлидир. Чунки ислом ҳукуки ҳозирги кунда одат ҳукукининг бир тури сифатида қаралмоқда экан, унинг халққа таъсир даражасининг чуқур эканлиги барчага маълум (N. Yusupova, 2020:36–48).

Мовароуннахрда минг йилдан ортиқ давр мобайнида ижтимоий муносабатларни ҳукукий тартибга солишида асосий мавқени эгаллаб келган Шариат-фиқҳ қонунларида никоҳни қайд қилиш ва уни бекор қилиш, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, васиylар ва ҳомийлар билан васиийликка олингандар ўртасидаги ўзаро ҳукукий муносабатлар, мажбуриятлар ва уларнинг ижросини таъминлаш кафолатлари билан боғлиқ муносабатлар ҳақидаги қоидалар ҳар тамонлама, мукаммал тартибга солинган. Фақиҳлар ўз асарларида айrim ҳукукий нормаларни маҳаллий шароит билан мувофиқлаштиришга ҳам интилганлар.

Мовароуннахрлик олимлар асарларида оиласи муносабатлар масаласи ўрганилганда ижтимоий-ҳукукий жиҳатдан ёндашиб зарур. Чунки ўз вақтида алломаларимиз ҳам ўз асарларида ислом ҳукуқида оиланинг ижтимоий-ҳукукий аҳволини, оиласи муносабатларнинг шаклланиши ва мустахкамлаш асосларини ёритишга ҳаракат қилганлар.

ХУЛОСА

Ушбу фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, милодий XII асрда исломий илмларни ҳар

томонлама ривожлантириб, ўзларидан мўътабар асарлар қолдирган етук алломаларимиз меросини ўрганиш тадқиқотчилар олдида турган мухим вазифалардан биридир. Чунки Бурхониддин Марғиноний, Ифтихоруддин Тоҳир ал-Бухорий, Фахруддин Қозихон, Алоуддин Самарқандий, Алоуддин Косоний, каби яна кўплаб алломалар мероси ислом ҳукуқшунослиги тарихида мухим манбалар ҳисобланиб, уларнинг ҳанафий таълимоти илмий, назарий ва амалий ривожида тутган ўрни нафақат Марказий Осиё, балки бутун мусулмон олами ҳукуқшунослигидаги катта ютуқлардан ҳисобланади.

Бу даврда яратилган илмий мерос кейинги даврларда яратилган ҳанафий мазҳабидаги фикҳий асарлар учун манба вазифасини ўтаган, ҳаттоқи, ўтган асрнинг биринчи чорагигача фақиҳларнинг, қозиларнинг, муфтийларнинг амалий фаолиятида мухим манбалар сифатида қўлланилган. Чунки ҳанафий мазҳаби хулосаларига асосланган бу асарлардаги қоидалар ҳам шу мазҳаб қонунлари каби нисбатан юшшокроқ ва қулайроқлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналари эътиборга олингандилиги сабабли, улар аксарият мусулмон мамлакатларида кенг ёйилган, чунончи қозилар муюмала муносабатларидан келиб чиқадиган (фуқаролик, никоҳ, оила) ва бошқа низоли ишларни кўриб ҳал этишда шу манбалардан унумли фойдаланишган (N. Yusupova, 2018:301).

Демак, Мовароуннахрда ҳанафийлик йўналишида биз таҳлил қилган алломаларнинг саъи-харакатлари билан ҳанафийлик илм-фани янада ривожланди. Бу даврнинг яна бир мухим томони шунда кўринадики, ислом динининг биргина йўналиши эмас, балки, унга тааллукли кўплаб илмлар ривожланди. Шу боис ушбу даврда яратилган асарлар ҳозирги кунда ҳам ислом ҳукуки йўналишида изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларни ўзига жалб этмоқда. Зоро, фақиҳларимизнинг ҳаётига доир яна бошқа маълумотларни аниқлаш ва уларнинг ўша даврда Мовароуннахрда рўй берган сиёсий-ижтимоий ҳаётга кўрсатган таъсирини, асарларининг бугунги кун нуқтаи назаридан аҳамиятли жиҳатларини тадқиқ этиш фойдадан холи бўлмайди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Burhoniddin al-Marg‘inoniy. Al-Hidoya. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 1990. J. 3–4. – 632 b.
2. Iftixoruddin Tohir ibn Abdurrashid al-Buxoriy. “Xulosat al-fatovo”. – Turkiya: Istanbul muftiyligi kutubxonasi. Fiqh bo‘limi // Qo‘lyozma. Inv.R: №140. 1667.
3. Ismoil Posha al-Bag‘dodiy. Hadiyatul-orifin li-asmail muallifin va osorul-musannifin. – Istanbul: 1951. J. 1. – 430 b.
4. Karimov I.A. O‘zbekiston: milliy istiqlol, iqtisodiyot, siyosat, mafkura. – T.: O‘zbekiston, 1996.
5. Komilov M. Movarounnahrda fiqh ilmining rivoji va faqih Alouddin Samarqandiy. – Toshkent: Istiqlol, 2006. – 208 b.
6. Laknaviy Muhammad Abdulhay al-Hindiy. Al-Favoid al-bahiyya fi tarojum al-hanafiyya. – Bayrut: Daral-kutub al-islamiy, 1998.
7. Laknaviy Muhammad Abdulhay al-Hindiy. Al-Favoid al-bahiyya fi tarojum al-hanafiyya. – Qohira, 1906.
8. Majid Hadduriy, Herbert Lebisni. Islomda huquq, Tehron-Nyu York: 1958.
9. Mo‘minov A. “Movarounnahr musulmonlari: hanafiyalar” // Sharqshunoslik, №9 / 1999.
10. Laknaviy Muhammad Abdulhay al-Hindiy. Hidoya muqaddimasi sifatida yozilgan risola. – Lakhnau: 1974.
11. Muhammad Amim al-Ehsan al-Mujaddidiy al-Barkatiy al-Hanafi. Qovaid al-fiqh. – Karachi: 1987. J. 1.
12. Mustafo ibn Abdulloh ar-Rumiy al-hanafi ash-shahir bi-Hoji Halifa. Kashf az-zunun an asmo al-kutub va-l-funun. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 1992. J. 1.
13. Mustafo ibn Abdulloh ar-Rumiy al-Hanafi ash-shahir bi-hoji Halifa. Kashf az-zunun an asmo’ al-kutub va-l-funun. – Istanbul: Al-Olam. J. 1. – 294 b.
14. Saidov A.H. Burhoniddin Marg‘inoniy – buyuk huquqshunos. – Toshkent: Mir ekonomiki i prava, 1997.
15. Sayyid Muhammad Amin Obidin ibn Sayyid Umar Obidin ibn Abdulaziz ad-Dimashqiy al-Hanafi. Hoshiyat Roddul-muhtor alad-Durril-muxtor sharh tanvirul-absor. 2-nashr. “Dor al-fikr”, 1966. J. 6.
16. Toshkulov. J., Yusupova N., Bekmirzaev I., Sarsenboev O., Masaidov S. Islom huquqshunosligi. O‘quv qo‘llanma. – T.: Toshkent islom universiteti nashriyot matbaa birlashmasi, 2014.
17. Toshko‘prizoda Ahmad ibn Mustafo. Miftah as-sa’oda va misbah as-siyoda. Haydarobod, 1905. J. 2.
18. Fahruddin Abulmahofir Hasan ibn Mansur O‘zgandiy. Fatovoi Qozihon. Toshkent islom universiteti Manbalar hazinasi. Toshbosma nusxa. – № 123.
19. Yusupova N.J., Juzjoniy A.Sh. Burhoniddin Marg‘inoniy: Hayoti va ilmiy merosi. – T.: Akademiya, 2007.
20. Yusupova N.J. Samarqandlik buyuk olima. // – T.: Hidoyat, 2011. – № 1.
21. Yusupova N. J. Movarounnahr hanafiy faqihlari asarlarida oilaviy munosabatlarni mustahkamlashga oid qarashlarning mohiyati. Monografiya. – T.: Toshkent islom universiteti, 2018.

